“Uzbekistan Airports” АЖ бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг 2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бажарилганлиги тўғрисида

МАЪЛУМОТ

2025 йил учун “Uzbekistan Airports” АЖ бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг муҳим кўрсаткичлари (KPI) Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 апрелдаги 283-сон қарори *(23 та)* ва 2025 йил 24 сентябрдаги 103-сон Раёсат баённига *(5 та)* мувофиқ тасдиқланган.

Жами бўлиб **28 та KPI**: Бошқаруви раиси Ж. Умарходжаевда – 7 та, унинг операцион фаолият бўйича биринчи ўринбосари С. Насировда – 5 та, молия-иқтисод масалалари бўйича биринчи ўринбосари А. Абдукадировда – 5 та, капитал қурилиш бўйича ўринбосари Ш. Тулягановда – 6 та, ахборот технологиялари бўйича ўринбосари С. Абдуллаевда – 5 та.

Жами кўрсаткичлар **99,9 фоизга** бажарилганлиги тўғрисидаги тегишли маълумот “samaradorlik.uz” платформасига киритилди. Унга кўра:

1. Бошқарув раиси Ж.О.Умарходжаев томонидан KPI бажарилиши:

1) Халқаро аэропортларни ДХШ асосида ривожлантириш ва бошқарувга бериш лойиҳалари бўйича битимлар имзолаш - 100%;

2) Хизмат кўрсатиладиган рейслар сонини ошириб бориш - 100,1%;

3) Хизмат кўрсатиладиган йўловчилар сонини ошириш - 99,4%;

4) Кўрсатилган хизматлар ҳажми - 118,4%;

5) Халқаро аэропортларда махсус техника ва ускуналарни янгилаш - 101,6%;

6) Экспорт ҳажми - 101,5%;

7) Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш - 101,6%.

2. С.З.Насиров томонидан KPI бажарилиши:

1) Халқаро аэропортларда махсус техника ва ускуналарни янгилаш - 113,3%;

2) Қайта тикланадиган энергия манбаларни ўрнатиш - 151,5%;

3) Қўқон аэродромида ёритиш сигнал қурилмаларини ўрнатиш - 115%;

4) Андижон аэропорти УҚЙда ёритиш қурилмаларини ўрнатиш - 115%;

5) Арнасой аэродромини ишга тушириш - 100%.

3. А.А.Абдукадиров томонидан KPI бажарилиши:

1) Кўрсатилган хизматлар ҳажми - 118,4%;

2) Экспорт ҳажми - 101,5%;

3) Қайта тикланадиган энергия манбаларини ўрнатиш - 238,8%;

4) Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш - 101,6%;

5) Давлат бюджетига тушумларни таъминлаш - 120,3%.

4. Ш.К.Туляганов томонидан KPI бажарилиши:

1) Тошкент халқаро аэропортининг халқаро терминал биноларини кенгайтириш (2-босқич) ва муҳандислик тармоқларини модернизация қилиш - 101,3%;

2) Андижон халқаро аэропорти аэродром инфратузилмасининг реконструкцияси лойиҳаси доирасида УҚЙ, бурилиш йўлаклари, ҳаво кемаси тураргоҳларининг қурилишини ва CAT-II тоифадаги ёруғлик-сигнал ускуналарини ўрнатиш ишларини якунига етказиш - 105,3%;

3) Янги Бухоро халқаро аэропортининг учиш-қўниш ва бурилиш йўлаклари ва ҳаво кемалари тўхташ жойини қуриш - 108,2%;

4) Янги Бухоро халқаро аэропорти аэродром хизматлари учун маъмурий ёрдамчи бино ва иншоотларни, шунингдек қурилиш майдонидаги ички муҳандислик тармоқларини ўтказиш - 104,3%;

5) Тошкент аэропорти ҳудудида 7500 кв.м юк терминалини қуриш - 100%;

6) Сариосиё аэродромида йўловчи терминалини ва ёрдамчи биноларни қуриш - 104,6%.

5. С.М.Абдуллаев томонидан KPI бажарилиши:

1) 1С:ЗУП дастурий модули асосида ходимларни бошқариш тизимини Жамият ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларда жорий этиш - 100%;

2) Ҳаво кемаларига ер устида кўрсатилган хизматлар ҳисобини юритиш ахборот тизимини аэропортларда жорий этиш - 100%;

3) Аэропортлар ҳудудида йўловчиларга парвозлар тўғрисида маълумотларни етказиб бериш мақсадида FIDS мониторларини янгилаш - 100%;

4) Жамият таркибига кирувчи ташкилотлардаги ахборот технологиялари соҳаси ходимларининг малакасини ошириш - 100%;

5) Жамият тизимида рақамлаштириш даражасини ошириш - 100%.